



ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

2000 йил, 14 июль, жума № 27 (410)

Сотувда нархи эркин

ҲУШЁРЛИК ЗАРУР

Тошкент электротехника алоқа институтида Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримовнинг «Fidokor» газетаси мухбири саволларига берган жавобларини урганишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда она заминимизга жиддий ҳавф солаётган муаммолардан бири диний экстремизм, ақидапарастликка қарши юксак маънавият ва маърифат билангина курашиш, ўз эзгу мақсадимизга эришимиз мумкинлиги алоҳида таъкидланди.

Юртбошимиз қайта-қайта таъкидлаганларидек, мафкура фақат ҳозирги давр учунгина эмас, балки замонлар мобайнида ҳар қандай жамиятни инсоний эзгу мақсадлар йулида бирлаштириб, ўз муддаоларига эришишларида маънавий куч-қудрат ато этадиган пойдевор бўлиб келган. Шундай экан, ёшларимизни ҳар томонлама билимли ва ҳушёр қилиб тарбиялашимиз лозим.

А. ХУСАНОВА,
ТЭАИнинг маънавий-маърифий масалалар бўлими бошлиғи

Бозор муносабатларининг вужудга келиши ва ривожланиши бошқа тармоқлардаги каби алоқа корхоналарида турли ташкилий масалаларни ҳал этиш билан узвий боғлиқ. Ҳозирги даврда алоқа корхоналари олдида турган асосий масалалардан бири бошқарув шакли ва бошқарувни ташкил этишни хизматлар бозори рақобатига мос келишидир. Соҳа корхоналарида фаолиятни оширишга қаратилган бошқарув функциялари ва масалаларини аниқлаш, бошқарув структурасини қайта кўриб чиқиш борасида сезиларли ишлар олиб борилмоқда. Аммо, бизнингча

ишлаб чиқишнинг асосий параметрлари ва курсаткичларини ажратиб бериш учун зарур. Бу даврда қабул қилинган қарорлар тахминий характерга эга, аммо улар амалиётда мавжуд бўлган лойиҳалаштиришнинг норматив материалларига таянади.

Иккинчи даврда тизимни техник лойиҳалаштириш янада чуқурроқ амалга оширилади. Назарий жиҳатдан масала қийин асосланиб, уни ҳал этиш йуллари ва услубияти назарий

- МУАММО
- МУЛОҲАЗА

жалари ҳақидаги материалларни тўллаш назарда тутилди. Тажриба натижаларига қўра тизимни ишчи модели назарий жиҳатдан таҳлил этилиши керак. Ундан сунг ушбу тизимни амалиётда қўллаш бўйича курсатма ва тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқилади.

Ташкил этиш жараёнини лойиҳалаштиришнинг туртинчи даври асосий давр – амалга ошириш даври ҳисобланади. Бунда тизимни ўзлаштиришнинг асосий мақсади аниқлаб олинди ҳамда уни рўйбга чиқаришда амал қилиниши лозим бўлган норматив ақлар тайёрланади ва жалб этилади. Тизимни амалга оширишда за-

РАҚОБАТ ШАРОИТИДА АЛОҚА КОРХОНАЛАРИНИ БОШҚАРИШ

бошқарувни ташкил этишни тақомиллаштириш бўйича олиб борилган ишлар бозор механизми жараёнларини тула қамраб ололмайди. Шу муносабат билан бозор иқтисодиёти шароитига мос тушадиган бошқарув тизимини ташкил этиш зарур. Ушбу жараён икки босқичдан иборат бўлиб, у бир неча даврларни ўз ичига олиши керак. Бошқарув тизимини ташкил этиш жараёнининг янги структурасини аниқлашда бошқарув тизимини механизациялаштириш ва автоматлаштиришда тулганлар тажрибаларни амалда тадбиқ этишни ҳисобга олиш лозим. Бошқарувда янги тизимни вужудга келтиришдан олдин унинг биринчи даврида амалдаги тизимни урганиш ва уни таҳлил этишга эътибор қилиш лозим. Ҳақ ҳужжалининг турли тармоқларидаги шунга ухшаш тизимларни урганиш ва шу асосда тармоқнинг узига хошлигини, бошқарув объектининг истиқболдаги ривожланишини аниқлаб олиш лозим. Бу жараёнларни урганиш бошқарувчи тизимдаги «тор жойларни» аниқлаш, шунингдек, лойиҳаларнинг эскизини

жиҳатдан ишлаб чиқилади. Ундан сунг уни ишлатиш модели яратилади. Бунда унинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш лозим. Иккинчи даврда – «тизимни охирига етказиш ва тадбиқ қилиш» – тажрибаларни тайёрлаш, иқтисодий – ташкилий, техник ва бошқа тизимларни нормал фаолият юритиши учун зарур. У тегишли шарт-шароитларни тайёрлаб бериш билан боғлиқ иш тажрибаларини ўз ичига олади. Тизимни ташкил этиш давридаги иш тартиби фақат элементларни таҳлилгагина бўлиб қолмай, белгиланган ечимни қабул қилиш ҳам керак бўлади. Шунинг учун технологик жараёнлардаги бошқарувчи даврлар ўртасида катъий чегаралар бўлиши мумкин эмас, уларнинг ҳар бирида тизим синтезини ҳал этиш йуллари бўлиши мумкин. Шунингдек, баъзи ҳолларда стандарт ечимларнинг мавжудлиги даврларнинг қушилиб кетишига олиб келади.

Учинчи давр ишчи лойиҳасини тузиш билан боғлиқ. Бу даврда асосан тажриба мақсадини аниқлаш ва уни ўтказишга тайёргарлик куриши, тажрибалар ўтказиши ва унинг нати-

рурий ташкилий тадбирларни амалга ошириш лозим. Бунинг учун ушбу тизимда ишлаш назарда тутилган шахслар белгилиб, улар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, уларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш лозим. Шуну таъкидлаш керакки, амалиётда бошқарув тизимларини тақомиллаштиришда ушбу таъкидлаб ўтилган туртала давр ўзраси мумкин. Лекин баъзи ҳолларда улар бир вақтнинг ўзиде бир неча даврларни ўз ичига олиши мумкин. Яъни куп ҳолларда техник лойиҳалаштириш ишчи лойиҳалаштириш даври билан алмаштирилади.

Менимча, юқорида таъкидлаб ўтилганларни ҳисобга олган ҳолда бошқарув тизимини ташкил этган ҳар қандай корхона, шу жумладан алоқа корхонаси бошқарув тизимини энг кам меҳнат ва молиявий маблағ сарфлаб, бозор иқтисодиёти шароитида рақобат курашига бардош бера олиши мумкин.

Л. ЁДГОРОВ,
Тошкент электротехника алоқа институти доценти, техника фанлари номзоди

ЭМММДА АТТЕСТАЦИЯ

Ҳар бир корхонанинг нуфузи, истиқболи мазкур корхонада меҳнат қилаётган ишчи-мутахассислар, раҳбар-ҳодимлар малакасига боғлиқ. Бу рад этиб бўлмайди ҳақиқат.

Ҳуш, корхона ўз ҳодимларининг малакаси қай даражада эканлигини аниқлаш учун нима қилади? Албатта аттестация ўтказилади.

Мана иккинчи йилдирки, Электромагнит Мослашув Марказида (ЭМММ) бу масалага жиддий эътибор берилмоқда. Утган йили ўтказилган аттестацияда ЭМММ ва унинг вилоятлардаги бўлимларида меҳнат қилаётган 61 нафар ҳодимнинг малакаси синаб курилди. Яқинда эса 67 нафар ҳодимлар аттестациядан ўтказилди.

– Бу йилги аттестация юқори савияда ўтди, – дейди биз билан сўхбатда ЭМММнинг кадрлар тайёрлаш бўйича муҳандиси Ирина Тешабоева.

– Корхонамизнинг частоталар тақсимлаш хизмати ва Бухоро, Жиззах бўлимлари, Самарқанд вилояти радиотехник назорат станциялари ҳодимлари уларнинг техник савияси юқори даражада эканлигини курсатишди. Энди ҳар йили кадрлар синовини ўтказиб борамиз.

ЭМММ ҳодимлар малакасини ошириб бориш мақсадида Тошкент электротехника алоқа институти билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйган. Жорий йилда корхонанинг 20 нафар ҳодими ўз малакасини оширди. Корхона ҳисобидан ҳозирда Тошкент электротехника алоқа институтида икки нафар ва Тошкент алоқа коллежиде бир нафар талаба ўқияпти. Бу келгусида корхона малакали мутахассислар билан таъминлаш имконини беради.

А. ЛЕДУРАҲМОВ

ОЗОДЛИКНИ ҲИС ҚИЛИБ ЯШАНГ!

1. Мустақиллик байрамнинг 9 йиллигини нишонлаш арафасидамиз. Мазкур ўтган вақт мобайнида рўй берган қайси воқеалар, ўзгаришларни муҳим деб ҳисоблайсиз?

2. Сизнингча, ҳар бир фуқаро, жумладан, ўзингиз мустақилликни мустаҳкамлаш учун қандай ҳисса қўша олишингиз мумкин?

Феруза РАҲИМОВА,

Пойтахтимиздаги талабалар шаҳарчасининг 14-ётоқхонаси бошлиғи

1. Мустақилликка эришганимиздан бери юртимизда жуда катта ўзгаришлар бўлди. Аввало, мустақиллигимизнинг янада мустаҳкамланганганини айтиб ўтиш жоиз. Бунга Президентимизнинг сайёҳ-ҳаракатлари, халқимизнинг сабр-тоқати, меҳнатқилини туйғайли эришдик деб биламан. Халқимиз ўз қўли билан қураётган турли катта-кичик иншоотларини кўриб,

кузингиз қувонади.
2. Мен асосан талабалар билан ишлайман. Уларнинг юриш-туриши, ўқиш ва ишларидан бохабар бўлиб тураман. Юртбошимиз ёшларга жуда катта умид боғлаган. Юртнинг равнақи уларнинг қўлида.
Мен бу ерда 27 йилдан бери ишлайман. Собиқ иттифок давридаги талабаларни ҳам, мустақилликдан кейин ўқиган

талабаларни ҳам кўрдим. Уларнинг орасида жуда катта фарқ борлигини сезаман. Айни пайтда таҳсил олаётган талабаларнинг бул юрганини кўрмайман. Ҳақини, ишлайди, ҳаракат қилади, янгиликка интилади. Буларни кўриб одам қувонади. Ёшларга янада ишончимиз ошади. Ҳар бир фуқаро ватан, озодлик, мустақиллик деган тушунчаларни юракдан ҳис қилиши керак. Ана шундангина Ўзбекистон ривожланган давлатлар қаторидан жой олади.

Мустақиллик – ўз куч-қудратингизга ишониб яшамоқ. Озодлик, эркинликни ҳис қилиб яшаш нақадар тотли.

Шухрат ИСМОИЛОВ
ёзиб олди

ТЕРМИЗНИНГ УЯЛИ АЛОҚАСИ

Уяли алоқа... Мазкур иборанинг пайдо бўлганига ва Ўзбекистонда алоқанинг бу тури амалда жорий этила бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ, лекин шунга қарамай республикамизнинг барча вилоятларида уяли алоқа станциялари фаолият курашмоқда. Унинг тармоғи кундан-кунга кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси – «Уздуробита»нинг Термиз филиали 1997 йилнинг феврал ойида ишга туширилди. Филиалнинг асосий мақсади – икки истеъмол бозорини юқори сифатли жиҳозлар ва уяли алоқа аппаратлари билан таъминлаш, абонентларга амалдаги барча хизмат турларидан фойдаланиш имкониятини яратиш, юқори сифатли алоқа хизмати кураштириш.

Филиал станцияси 35 километрлик радиусда бир меъёрга ишлаб турибди. Қўшимча антенна билан эса хизмат доирасини 70 – 80 километргача кенгайтириш мумкин. Қувонарли ери шундаки, Термиздаги

уяли алоқанинг мураккаб техникасини маҳаллий кадрлар бошқармоқда. Филиалга бутун умрини алоқа соҳасига бағишлаб келётган, вилоят алоқачиларининг устози Олим ака Эшоневнинг уяли Алишер Эшонев раҳбарлиги қилмоқда. Филиал станциясининг монтаж-созлаш ишлари бошланган дастлабки кунларданқо жонбозлик курашган техника эксплуатация хизмати бош мутахассиси Нормат Бобоев, ёш иқтидорли муҳандис Абдурауф Султоновларнинг хизматидан миқозлар мамнун.

Бугунга келиб уч оздан зиёд абонент уяли алоқа хизматидан фойдаланишда, фойдаланиш истагини билдирувчилар сонини кундан-кунга ортиб бормоқда.

Ҳарий йилнинг охиригача Сурхондарё вилоятининг Шурчи, Денов ва Сариев туманларида ҳам уяли алоқа хизматини жорий этиш қўзда тутилган.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ,
Сурхондарё вилояти

ФАРЗАНДАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИ БЎЛУР

Ёз мавсуми дам олиш фасли ҳисобланади. Алоқачиларнинг фарзандлари қандай дам олишяпти? Ҳозирги кунда бу борадаги муаммолар хусусида Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитаси раиси Тоҳир Назирович НАЗАРЖОНОВ муҳбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Жорий йилнинг март ойида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг ҳайъат йиғилишида дам олиш оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш ишларининг бориши тўғрисида масъул раҳбарларнинг ҳисоботи тингланиб, тегишли қарорлар қабул қилинган эди.

Шундан сўнг агентлик тизимидаги бешта болалар дам олиш оромгоҳларида таъмирлаш ва ёзги мавсумга тайёрлаш ишлари қизгин бошлаб юборилди. Натижада мавсумнинг биринчи навбатида 600 нафардан ортқ бола оромгоҳларга юборилди. Уларни озиқ-овқат, хўл мева-сабзавотлар ва бошқа маҳсулотлар билан тула таъминлаш йўлга қўйилди.

Алоқачиларнинг фарзандлари учун ёзги дам олиш масканларига ажратилган йўлланмалар энг аввало кўп болали, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга бепул тарқатилмоқда. Қолганлари эса йўлланма қўйимнинг 10 фоизига ҳақ бўлган қўйимини тулашади.

Бундан ташқари, республикадаги барча болалар дам олиш оромгоҳларида урнатил-

ган телефонларнинг мавсумда ойлик туловлари имтиёзли яъни 50 фоиз қилиб белгиланди.

Алоқачиларнинг фарзандлари нафақат агентлик тасарруфидаги дам олиш масканларида балки, бошқа вазирлик идораларига қарашли масканларда ҳам дам олиш оромгоҳлари Қорақалпоғистон Республикаси электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси, «Андижон Телеком», «Фаргона Телеком» ҲЖлари, «Самарқанд Телеком» шўба корхонаси ҳамда «Қорақалпоқ почтаси», «Андижон почтаси», «Фаргона почтаси», «Самарқанд почтаси» ҲЖ корхоналарида бунга алоҳида эътибор берилляпти.

Ёзги дам олиш мавсумини уюшқоқлик билан утказиб бериш корхоналар талайгина. Раҳбари ташаббускор, ишбилармон бўлса, барча ишнинг улдасидан чиқади. Хоразм давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ҲЖга қарашли «Алоқачи» дам олиш оромгоҳидан битта бинони олиб, корхона ҳисобидан таъмирлаб берди. Уша бинода Хоразм вилояти алоқачиларининг фарзандлари мириқиб дам олишяпти.

«Наманган Телеком», «Наманган почтаси» ҲЖлари яхши бир

хайрли ишни амалга оширишяпти. Улар болаларни қўшимча овқатлантиришни жорий қилишди. Дам олиш оромгоҳида маданий-маърифий ишларга, жумладан болаларни бадий китоблар билан таъминлашга ҳам катта эътибор беришмоқда. Худди шундай ишлар «Қашқадарё Телеком» шўба корхонаси, Бухоро давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасида ҳам олиб борилмоқда. Афсуски, айрим корхоналар бундай хайрли ишларга панжа орасидан қарашяпти. «Навоий почтаси», «Сурхондарё почтаси», «Тошкент почтаси», «Сирдарё Телеком», «Сирдарё почтаси», «Жиззах почтаси» ҲЖ каби корхоналар болалар дам олиш масканларига йўлланмалар сотиб олишмаяпти. Буни қандай тушуниш керак? Бу корхоналарда хизмат қилаётган алоқачиларнинг фарзандлари қаерда дам олади? «Соғлом авлод йили»да болаларга эътибор шуми? Ушбу корхона раҳбарлари бундай камчиликларни бартараф этиб, ёзги мавсумни уюшқоқлик билан утказишда амалий чора куришлари лозим. «Соғлом авлод йили»да фарзандлар соғлиги сизу бизнинг қўлимизда. Соҳибқирон бобомиз Амир Темурутга айтганларидек «Фарзандлари соғлом юрт қудратли булур».

Иззат АҲМЕДОВ
ёзиб олди



— Ўз ишингизни сидқидилдан бажарсангиз, жамоада ҳам, одамлар орасида ҳам ҳурмат-эътибор топасиз, — дейди Электромагнит Мослашув Марказининг радиочастоталарни таъминлаш хизмати бош мутахассиси Неля МАСЛЕННИКОВА.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ
суратга олган

ТЕКШИРИШ НИМАЛАРНИ КЎРСАДИ?

Бухоро вилояти электралоқа ишлаб чиқариш корхонасида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Роми-тан, Пешку, Қорақул, Олот туманлари электралоқа боғламалари молиявий-ҳужалик ва ишлаб чиқариш фаолиятининг ялпи текшириш натижалари қуриб чиқилди. Вилоят электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси бошлигининг уринбосари, ялпи текшириш бўйича комиссия раиси А. Давроновнинг маълумоти тингланди.

Йиғилишда Пешку ва Олот туманлари электралоқа боғламалари ҳужжатлар билан ишлаш, шунингдек, жорий ва капитал таъмирлаш ишларини олиб бориш, алоқа линияларини тартибга келтириш ва бошқа бир қатор тадбирларни амалга оширишда яхши натижаларга эришилганлиги қайд этилди. Туманлар электралоқа боғламалари бошлиқлари ва бош муҳандислари ҳам текшириш давомида аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан шу кунларда олиб борилаётган ишлар хусусида гапирдилар. Вилоят электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Ш. Худойбердиев ўз сузида алоқа хизмати ходимлари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида сузлади.

А. ИСТАМОВ,
Бухоро вилояти

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Андижон Телеком» ҳиссасдорлик жамияти ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси жамоаси Қорасув филиали директори **Фанижон ХУДОЙБЕРДИЕВ** ни 55 ёши билан қизгин табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик алоқа соҳасидаги ишларида муваффақиятлар тилайди.

ЭЪЛОНИ

«Тошкент-Телеком» ҲЖ корхонада ишлаш учун юрист лавозимига ишга тақлиф қилади. Мурожаат учун телефонлар: 133-92-34; 34-35-55.

Ташкилот «КВАНТ» квазиэлектрон АТСни капитал таъмирлаш учун пудратчини ишга тақлиф этади. Мурожаат учун телефонлар: 54-09-41; 54-09-28.

Излаган имкон топар деганларидек, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида муаммолар ечимини қидириш ютуқларни таъминлайди. Зеро, Президентимиз таъбирлари билан айтадиган бўлсак, бугунги замон раҳбари тadbиркор, ишбилармон бўлмоғи лозим.

«Самарқанд Телеком» шўба корхонасининг Иштихон филиалида ишни тўғри ташкил этиш, муаммоларни ўз вақтида бартараф қилиш ютуқлар гарови бўлмоқда.

Филиал директори Эгамберди СИНДОРОВ билан суҳбатимиз шу хусусида бўлди:

ҲАМЖИХАТЛИКДА ИШ СИЛЖИЙДИ

— Эгамберди ака, шу кеча-кундузда алоқа соҳасида эришилган ютуқлар тўғрисида тўхталсангиз?

— Ютуқлар узимизнинг. Мавзуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш асосий мақсадимиз бўлмоғи лозим. Амалга ошираётган барча юмушларимиз тadbирларимиз ана шу мақсадга йўналтирилган. Ҳамжиҳатлик бор жойда иш олға силжийди. Шу боис, кичкинагина жамоамиз аҳлилик билан меҳнат қилаётган.

— Ўтган йилги меҳнат ақуларидан кўнглингиз тўлдими?

— Кўнглим тўлди, десам муболага бўлади. Рекамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 1999 йил бошида тармоқда телефонлар 1243 та эди. Йил охирига келиб эса ушбу рақамлар сонини 1605 тага етказдик. Албатта, бунга осонликча эришилмади. Тинимсиз меҳнат, имкониятлар илдинини топиш оқибатида ана шу ютуқларни қўлга киритдик. Ҳозир шаҳар телефон тармоғи бўйича аҳолини телефон алоқаси билан таъминлаш ҳар 100 кишига 13 таши ташкил этади. Умуман олганда, филиалимиз 4450 рақамли сўнгмага эга.

— Қишлоқ аҳолисини телефон алоқаси билан таъминлаш аҳволи қандай?

— Қишлоқларда истиқомат қилувчи аҳолининг телефон алоқасига талаби катта. Филиалимизда қишлоқ аҳолисини телефон алоқаси билан таъминлайдиган 2450 та телефон сўнгма мавжуд. Албатта, бор сўнгмадан тулқ фойдаланишнинг илҳози йўқ. Лекин биз ҳам қўл ювтириб утирганамиз йўқ. Имконият даражасида аҳолини сифатли алоқа хизмати билан таъминлашга ҳаракат қилаялмиз.

Ҳозирги кунда 1470 та телефон рақами бевоасита қишлоқ аҳолисини хизмат қилмоқда. Бу ҳар 100 кишига 7 тадан телефон тўғри қолади дегандир.

— Филиалда ишчи-хизматчилар-

нинг маънавий-маърифий савиясини ошириш учун нималарга эътибор берилмоқда?

— Алоқа бўлимининг ҳисобидан маблаг ажратилиб, «Маънавият ва маърифат» бурчанин ташкил этдик. Уни керакли адабиётлар, плакатлар, шафк, стоп-стол билан жиҳозлаб, ҳар ҳафтада бир марта махсус мутахассисларни жалб қилган ҳолда ходимларимиз учун маъруза ва сўбатлар уюштирялмиз. Ходимларимиз бундай вақтларида соҳага оид янги бадий китоблар ўқиб, маънавий савиясини ошириш, шахмат, шашка ўйнаб, чарчогини ёзиши мумкин. Ойида 2-3 марта спорт мусобақалари утказилиб турибди.

— Қандай муаммо ва камчиликлар бор?

— Ҳар бир соҳада булганидек алоқа тизимининг ҳам узига хос муаммолари бор. Булар асосан зарурий эҳтиёт қисмларининг етисмаслиги, тулқ реконструкцияга муҳтожлик. Бунинг учун дебиторлик қарзларни вақтида тулаш лозим.

Умумий дебиторлик қарзларининг 40 фоизи жамоа ҳужаликлари ҳисобига тури келади. Агар дебиторлик қарзларни вақтида қоплаб бориlsa, кабели ва симлар сотиб олиб, тизимни янада ривожлантириш, қайта реконструкция қилиш мумкин бўлади.

Яна бир муаммо — ҳоиларда алоқа кабелларининг ўтирлаб кетишидир. Бунинг ҳозирги кунда янги ишлар бўлиши маҳалла кўмита раислари, жамоатчилик вакиллари жалб этганмиз. Натижалари ёмон эмас.

— Суҳбатингиз учун раҳмат.

Зебо ХУДОЁЕВА,
Самарқанд вилояти

Тошкент алоқа коллежи 2000–2001 ўқув йили учун қўйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади

1. Автоматик электр алоқаси (кундузги, 9 синф ва 11 синф, ўзбек ва рус тилида; сиртки, 11 синф, ўзбек тилида).
2. Туман электр алоқаси (кундузги, 11 синф, ўзбек тилида).
3. Кўпканали электр алоқаси (кундузги, 11 синф, ўзбек тилида, сиртки 11 синф, рус тилида).
4. Кабел иншоотларини қуриш ва уларни ишлатиш (кундузги, 11 синф, рус тилида).
5. Маиший радиотелеаппаратураларни таъмирлаш ва техник хизмат курсатиш (кундузги, 9 синф, ўзбек тилида).
6. Телевизион техника ва радореле алоқаси (кундузги, 11 синф, ўзбек тилида).
7. Почта алоқаси (кундузги, сиртки, 11 синф, ўзбек тилида).
8. Алоқа корхоналарида иқтисод ва режалаштириш (кундузги, 11 синф, ўзбек тилида; сиртки 11 синф, рус ва ўзбек тилларида).
9. Алоқа корхоналарида бухгалтерия ҳисоботи назорати ва ҳужалик фаолиятини таҳлили (кундузги, 9 синф ва 11 синф, ўзбек тилида; сиртки, 11 синф, рус ва ўзбек тилларида).
- 9 синф ҳажмида коллежга қабул қилинганлар уқиб давомида ҳарбий хизматга чақирилмайдилар. Талабалар стипендия билан таъминланади. Ҳодовчилар жорий йилнинг 25 июлигача (шу кунга ҳам) қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:
 1. Коллеж директори номига ариза.
 2. Маълумоти ҳақида ҳужжатнинг асл нусхаси (гувоҳнома, шаходатнома).
 3. 3x4 ўлчамли 6 та фотосурат.
 4. 086/У-шақлидаги тиббий маълумотнома.
 5. Паспорт(гувоҳнома) ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақида ҳужжат шахсан курсатилади.
- Мақтабни 9 синф ҳажмида битирган абитуриентлар имтиҳонларни 1 август кундан бошлаб топширадилар.
- Тест синовлари эса 11 синф ҳажмида битирган абитуриентлар учун 11 август кунини утказилади.
- Консултациялар 23 июлдан бошланади.

Вилоятлардан келган абитуриентлар ётоқхона билан таъминланадилар.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар-128.

Шайхонтоҳур тумани,

Усмон Юсупов кўчаси, 70 уй.

Автобуслар: 14, 18, 97, 148.

Троллейбуслар: 10, 27.

Трамвайлар: 10, 27.

Алоқа коллежи бекати.

Тошкент алоқа коллежига марҳамат!

С COSCOM GSM уяли алоқа хизматларидан фойдаланинг!

Кунлардан бир куни бир киши Улугбек Мирзо хузурига арзга келиб, дебди:

— Мен Рум сафарига тайёргарлик кураётганимда беш минг тилла ортқача маблагим бор эди. Мен ана шу пулларни бирон-бир диёнатли кишига топшириб, сафардан қайтгач, олмоқчи бўлдим. Қанча уйласам ҳам замона қозисидан кура диёнатли кишини топа олмадим ва ўша олтинларимни бир офтобага солиб қозига омонат топширдим. Сафардан қайтгач, ўша омонатимни қозидан талаб қилувдим, у:

— Жинни булиб қолибсан шекли, нега менга турмаган қиласан? Мен сени хужайманман ва танимайман ҳам. Бундан кейин менинг олдимга келиб, бунақа номаъқул гапларни гапириб, тўхмат қилсанг, одамларимга буюраман, уриб тишларингни синдиришади, тилингни суғуриб олишади, — деб дук урди. Нима қилишимни билмайман, шоҳим. Сиз менга йул курсатинг, ердан беринг, — дебди шикоятчи.

— Мен эртага қозининг уйига

• Мерос

КАМБАҒАЛ ВА ҚОЗИ

(Ривоят)

бораман. Мен у ердан чиқиб, отга миниб кетмоқчи бўлаётганимда етиб келиб, шу арзингни айт, — дебди Улугбек.

У киши кетибди. Улугбек қозини чақиртириб, дебди:

— Менинг бойлигим ва жавоҳирларим шу даражада кўпайиб кетдики, хазинага сиғмай қолди. Мен ана шу молдунени ҳеч ким билмайдиган бирон бир жойга яшироқчман. Токим вафотимдан сўнг фарзандларим олиб, харж этсинлар. Хазинада турса, мен улгандан сўнг талон-торож булиб кетади. Лекин мен бу масалада ҳеч кимга ишонмайман. Кимгаки ишонсам, у ўлимимдан сўнг албатта тонади. Шунинг учун бу шаҳарда сиздан кура ҳалол, ростгўй одам йўқ деб билдим.

Зероки, сиз пайгамбарнинг ноибисиз, омонатга диёнат билан қарашда ҳеч ким сизга тенг кела олмайди. Уша молларни сизнинг уйингизга қўйишга қарор қилдим, токим улимимдан сўнг авлодларим кунига ярасин. Бу сирни сиз билингу мен билайин. Бошқа ҳеч ким хабар топмасин.

Бу гапларни эшитган қози хурсандлигидан ёрилиб улай дебди, зурга ўзини тутти олибди. Ва бармоқларини кузларига босиб, шоҳ илтимосини қабул этибди.

Шундан сўнг Улугбек унга дебди:

— Мен эртага сизнинг уйингизга бораман. Шундан сўнг молларни яширинча ташиб, ўша ерга беркитамиз.

Эртаси куни Улугбек қозининг

уйига борибди. Қози ҳовлисининг тўрт томонини диққат билан куздан кеचирибди. Ва ниҳоят, хазина учун бир жойни тайинлабди.

Улугбек қозининг уйдан чиқиб, отига минган чоғида ҳалиги одам келиб ерга тиз чуқиб, арз қила бошлабди:

— Жаҳонпаноҳ! Мен қозининг уйига омонат қолдириб эдим.

Бу сўзларни эшитган ва даввогарни курган қози саросимага тушиб қолибди ва «Агар инкор этсам, Улугбек менга шўҳа билан қарайди, мендан ранжиб, ўз хазинасини менинг уйимга қўймайлиги мумкин», деб уйлаб:

— Сен қанақа одамсан ўзи? Жинни-пинни эмасмисан? Бу гапни подшога арз қилиш шартми? Сен қачон омонатингни сурадингу мен бермадим. Бор, фалон жойдаги боғичли обдастани келтир, — дебди.

Хизматкор ичи тула олтин обдастани келтирибди. Қози уни ўша ерда — подшоҳ хузурда эгасига топшириб, ўзининг «туғрилиги, ҳалоллиги»ни исботлабди.

ҲИКМАТЛАР

Хар бир ҳаракатинг туфайли ҳақиқатга эриша оладиган бўлсанг, улсанг ҳам бу йулдан қайтма, маҳкам тур!

АБАЙ

Ҳақиқат ҳар қандай масофани ҳам босиб ўтади, уни ҳеч қандай тусиқ тўхтата олмайди.

Анри БАРБЮС

Виждонли кишини таъқиб этиш мумкин, аммо шарманда қилиш мумкин эмас.

Ф. ВОЛЬТЕР

Ўзига ва бошқаларга доимо ростликда бўлиш — улкан истеъодларнинг сифатидир.

И. В. ГЁТЕ

Ҳақиқат - озод кишининг худосидир! Ёлгон — қуллар ва хужайинларнинг динидир.

М. ГОРЬКИЙ

Ҳақиқат шўҳласи қаршида ҳеч қандай туман бардош бераолмайди.

Ф. ДОСТОЕВСКИЙ

Баравар айлагин ичу ҳам тошинг, Бир хил бўлсин қалбингу, юзинггу, бошинг.


Абдурахмон ЖОМИЙ

Энг яхши низом — туғриликдир.

КАЙКОВУС

Алданишининг энг ишончли услуби — узингни бошқалардан маккорроқ деб ҳисоблашдир.

Ф. ЛАРОШФУКО



ТЕРМИЗ. Ҳақим ат-Термизий мақбараси.

Собик иттифоқ даврида бу ерга ҳеч ким қўйилмас, у ташландик аҳволда эди.

Республикамиз мустақилликка эришган, мақбара тартибга келтирилди, атрофлари ободонлаштирилиб, узок жойлардан зиёратга келувчилар учун хоналар қурилди, шароитлар яратилди.

Халқимиз тарихи, маданиятининг ўзига хос рамзига айланган ушбу мақбара зиёратчиларнинг сеvimли масканига айланди.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган

• Ажаб дунё

ТУШДА БЕРИЛГАН МАСЛАҲАТ

Австралиялик Майкл Д. исмли йигит гаройиботларга ишонмас эди. Ишсиз қолган Майкл уйда ётавериб зерикканидан бувисидан қолган қоғозларни титқилаб ўтириб, унга ёзиб қолдирилган васиятномани топиб олди. Хатда каминнинг мўрисини ортида унга атаб яшириб қўйилган пуллар борлиги ёзилган экан. Бувида қолган мерос неваранингни янги касб эгаллаши, яшашидан ташқари ҳатто машина сотиб олишига ҳам етди.

Шундан бир ой ўтгач, тушида бувисини кўрди. Марҳума қолган пулларга фалон корхонанингни арзон нарҳдаги акцияларини сотиб олишни маслаҳат берди. Майкл бувисининг айтганини бажо келтирди. Қисқа муддатда акциялар баҳоси кетматлашиб, у бойиб қетди.

Ш. ТОҲИРОВ

тайёрлади

КАШҲИЁТЛАР ТАРИХИДАН

Ҳозирги замон физикасига 1900 йил 14 декабрда Германияда асос солинган деб айтиш мумкин. Уша куни Берман университети физика институтида Макс Планк немис физика жамияти аъзоларига ўзининг янги назариясини маълум қилди.

Бу улкан кашфиёт эса мутлақо янги бир фан — квант физикаси тарихини бошлаб берди.

Олимнинг 1887 йили нашр этилган «Энергиянинг сақланиш тамойили» асари Гёттинген университети фалсафа факультети таловида муқофот билан тақдирланди. 1894 йили у Гельмгольц ва Кундтнинг таклифига кура, Пруссия Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси қилиб сайланди.

Шу тариқа у Берлин физикалари ўртасида энг кўзга кўрингани, аср бошидан эса Германия физикалари орасида етакчи назариячи булиб қолди.

А. АЛИЕВ тайёрлади

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги жамоаси агентликнинг ишлар бошқармаси етакчи мутахассиси Ш. З. Нурмухамедовага падари бузруквор

ЗУҲРИДДИН отанин

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент электротехника алоқа институти жамоаси алоқа линиялари кафедраси мудири Р. Камолитдиновга отаси

ЗУҲРИДДИН отанин

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДХУҲАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иzzат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани
АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Куролбой ТўЛЕБОВ
Ёқубжон ХУҲАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳрух АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул
ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин
ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000
Тошкент-35, А. Толстой
кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.

Факс: 136-36-42.

ИНДЕКС: 64600

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган кўлэмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш № 00011.

Буюртма № Г-642.

5757 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди.

Бичими А-3, ҳажми 1

босма табок.

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
«ШАРҚ» НАШРИЁТ-
МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси,
41-уй.

Босишга топширилди — 19.00

Босишга топшириш вақти— 18.00

1 2 3 4 5 6